

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМҒАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

БАҲОСИ 10 СЎМ

## ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ!

Азиз муштарийлар! «Оила ва жамият»га йилнинг иккинчи ярми учун обуна давом этмоқда. Айни пайтда ушбу масала бўйича тахририятимизга тез-тез қўнғироқ бўлиб турибди. Аксарият муштарийларимиз газетада эълон қилинган обуна баҳоси билан алоқа бўлимларида «айтилаётган» обуна баҳоси ўртасида катта фарқ борлигидан таажжубланишмоқда. Газетада обуна каталогидagi баҳони эълон қилиб, вилоят алоқа бўлимлари обунани эгасига етказиб бериш харажатларини қўшиб пировард обуна баҳосини белгилашни хабар қилган эдик. Биз вилоят алоқа бўлимлари ўз хизматлари учун каталогдаги обуна баҳосига қанча сўмма қўшимча қўшганликлари билан қизиқиб кўрдик. «Оила ва жамият»га вилоятларда обуна баҳоси қандай белгилангани хусусида мисол келтирамиз.

ВИЛОЯТ ЛАР	КАТАЛОГДАГИ БАҲОСИ	ОБУНА БАҲОСИ
Андижон	264 сўм 60 тийин	361 сўм
Навоий	—	409 сўм
Жиззах	—	467 сўм 76 тийин
Сирдарё	—	330 сўм
Фарғона ва ҳоказо	—	597 сўм 72 тийин

Кўриб турганингиздай вилоятларда обуна баҳоси турлича. Унинг 264 сўм 60 тийиндан ортиқчасини вилоят алоқа бўлимлари ўз хизматлари учун олади.

Азиз мухлислар! Севимли газетингизга обуна бўлишни унутманг.



Суратчи: Н. МУСОМОВ

Ер юзида бир аёл бўлса  
Муҳаббат бор ер юзида.

Ер юзида бир гўдак бор бўлса —  
Авлод бор ер — юзида

Ер юзида  
бир дарахт бор бўлса —  
Кўлка бор ер юзида

Ер юзида  
агар бир парча ер бўлса  
Ватан бор Ер юзида.

Нозим ҲИКМАТ

## УШБУ СОНДА:

**ЖУМАНАЗАР БЕКНАЗАР:**

**НАСЛИНГИЗ ТОЗАМИ?**

3-БЕТ

**МАЛИКА АҲМЕДОВА:**

**РАҚС ВА ИНГЛИЗ ТИЛИДАН  
САБОҚ БERAМАН**

4-БЕТ

**ЯРАШТИРИШ ОСОНМИ  
Ё АЖРАТИШ?**

7-БЕТ



**КЕЙИНГИ**

**НАБИ  
ЖАЛОЛИДДИН:**

**ЎСМИРЛИКДА  
ИЧИЛГАН ҚАСАМ**

**АМИНБОЙ  
САЪДУЛЛАЕВ:**

**НЕЧТА ФАРЗАНД  
КЎРИШ ОИЛАНING  
ИЧКИ ИШИДИР**

**СОНЛАРДА:**



«Оила ва жамият» 19(90)

Полвонларимиз ҳаётдан

## РАИСНИНГ ЎҒЛИ

Тожикистонда юрган пайтларимда машҳур бир колхоз раиси қишлоғида томоша кўрсатиб беришимни илтимос қилиб келди. Мен пешинга боришимизни айтиб, раисни кузатиб қўйдим. Шартга мувофиқ тонг саҳар туриб, тадорик қуриб йўлга тушдик. Раиснинг қишлоғига тоғлар орасидан юриларкан, ҳали бу ерларга асфалт ҳам, электр ҳам бормасан, эндигина йўл четларидан чуқурлар қазилиб, симёғочлар, бетон қоziқларни келтиришибди.

Чошгоҳга борганда раиснинг ҳовлисини топиб бордик. Бошқалар йўл машаққатидан чўчишиб, ваъда беришаркан-у боришмас экан. Бизга ҳам гоҳ ишониб гоҳ ишонмай туришган экан, қорамизни кўрибоқ раиснинг юзи ёришди:

— За-ап вақтида келдиларинг-да, яна бирон соат кечикканларингиз сизлардан ҳам умидимни узардим. Қани дастурхонга марҳамат.

— Одамлар йиғилган бўлишса ўйинни бошлайлик...— дедим мен.

— Элни тўплаш қийин эмас, аммо уларга ёлғончи бўлиш оғир. Баъзиларга ишониб одамларнинг олдида бурдимиз кетган, полвон, ҳозир одам юбортириб соат учга тўплаймиз. Унганча

бир оз дам олинглар...

Раис шоп мўйлов, баланд бўйли, келишган одам. Узига тўқ, оиласи бут, лекин дардман одамдай кўзларига мунг чўккан. Гап орасида раис ичидан келишган тўқиб солди:

— Ука, мен ўзим полвон бўлмоқчи эдим, тақдирни қарангки бошқа юмуш билан бандман. Ўзим полвон бўлмаганимга яраша, ўғил кўрсам полвон қиламан дедим ва оллоҳдан кучли, қувватли полвон ўғил сўрадим...

Тангрининг ҳиммати баланд, марҳамати кенг экан, нима сўрасанг бераркан. Аммо сўраганимга тўқис сўрагин экан... Мен келишган қадди-қоматини, куч-қувватини сўрайверибман-у «ақл-заковат билан фаҳм-фаросат ҳам бер» деб тилабман. Оҳ, Турсунали ука! Мана шуниси менга армонда! Ана ўйнаб юрибди, ун иккига кирди. Қилган қилиқларини кўрсангиз беш яшар болаям қилмайди, аммо куч-қувватдан худо берган...

Биз одамлар тўпланадиган майдонга сал илгарироқ йўлга чиқдик. Ортимиздан қишлоқ болалари чуғурлашиб эргашшган, сал нарида раиснинг ўғли ўзидан кичик болалар билан ёнғоқ ўйнаётди. Бир пайт отган ёнғоғи бетондан қилинган симёғоч ётган чуқурчага кириб кетди, у югуриб бориб бир қўлида

бетонни кўтариб ёнғоғини олдида, кейин ҳеч нарса кўрмагандай яна болаларга аралашиб кетди. Бу ҳолатни кўзатиб турган гуруҳимиз аъзолари боланинг кучидан ҳайратга тушишди.

Томошани тугатиб асбоб-анжомларимизни йиғайтганимизда раиснинг ўғли келиб тошларимизни ташишди. Икки қўлида ўттиз икки килолик тошлардан иккитадан бамайлихотир олиб келиб машинага ортиди...

Мен кейин ҳам уларнинг хонадонига бўлдим. Ўғил вояга етиб ўйланди. Яқинда борсам, раис оламдан ўтибди. Фотиҳа ўқиб бўлган, қўл қовуштириб турган ўғлига таъзиямизни билдирдик.

Ўғли бир оздан сўнг мийиғида кулиб, йўл четида турган янги «виллис»га яқинлашди:

— Отам маши мошинни менга олиб бериб кейин ўлди,— дея бир қўлида машинанинг олдида кўтариб-кўтариб қўйди-да мағрурланиб:

— Зўр мошин, а?— деди. Беихтиёр марҳумнинг гаплари ёдимга тушди:

«Оллоҳдан тилагинг бутун бўлсин. Умри-ризики билан, ота-онаси, ақлу-ҳуши билан сўраш керак! Куч-қувват бўлиб, фаҳм-фаросат бўлмаса ҳам қийин экан...»

Турсун Али МУҲАММАД

Етти кун

## ОТ ИЗИНИ ТОЙ БОСАР

Наманган шаҳрида «Қизиқчи-93» танлови ўтказилди. Танлов шу йил ёзда Наманганда бўлиб ўтадиган Рустам қизиқ Ҳамроқулов хотирасига бағишланган жумҳурият қизиқчилар бешлашувининг бир босқичи бўлиб, унда олий совринни маданий-оқартув техникуми талабаси Қурбонназар Ортиқбоев, биринчи ўрини эса марҳум санъаткорнинг укаси Алишер Ҳамроқулов эгаллади.

## ЭГАМ ОТАНИНГ ҲИММАТИ

Хоразмлик саккиз нафар ўқувчи жумҳурият олимпиадасида голиб чиқиб, олий ўқув юрти талабаси бўлиш ҳуқуқини қўлга киритишган эди. Яқинда вилоят ҳокими Маркс Жуманиёзов бўлгуси талабаларни қабул қилди ва уларга диплом, пул мукофотлари топширди. Маросимда қатнашган вилоят «Маҳалла» жағфармаси раиси Эгам ота Искандаровнинг ҳам ҳиммати қўзиб, бир ойлик нафақасини ёшларга ҳада қилворди.

## ҚОРОВУЛГА ТЎН

Оллаберган Оллаберганов Боғот туманидаги болалар ва ўсмирлар уйда қоровул бўлиб ишлайди. Санъатга ниҳоятда ўч, бўш қолди дегунча киргойи қилган-қилган. Туман пахта тозалаш завудида бўлиб ўтган тантанали йиғинда санъатини намойиш этиб, олқишларга кўмилди. Маъмурият қоровул-ҳофизга миннатдорчилигини беш сўм пул ва устига тўн ёпиш билан изҳор этди.

## «ҚУЛОҚСИЗ» БОШЛИҚНИНГ ЖАЗОСИ


Ҳазораспада туман ҳокимининг хизмат машинасини ўғирлаб кетишди. Изқуварлар машинани икки кунда топишди. Мастлигида давлат машинасида «катайса» қилган йигитни ҳам. Энди шу воқеа билан боғлиқ яна бир ҳодиса: олдинги гал ҳоким машинасини тўхтатишга журъат қилмаган ДАН ходимлари ҳоким ўринбосарининг хизмат машинасига «тўхта» ишорасини қилганларида, буйруқ бажарилмади. Натижада «қулоқсиз» бошлиқ машинасини баллонига ўқ узиб, тўхтатишга тўғри келди.

## ЎТА ХАВФЛИ ЮК

Термиз дарё портида Афғонистондан юк олиб келган «Вахш» баржасини текшириш чоғида каюта деворлари орасига яширилган 14 кило қорадори топилиди. Баржага босилган юкларнинг сиртки қопламасига ҳам қорадори беркитилган, аммо уни божхона ходимлар келгунча олиб ташлашга улғуришган экан.

## ЎЗИМИЗНИНГ «ХИТОЙ»ЛИК

Ҳомиймиз бўлиш Муборакнинг «Хитой» давлат ҳўжалиги кадрлар бўлими мудири Шоҳсўлтон Бўриевни дафъатан ҳеч ким ошпаз деб ўйламайди, аммо у киши пиширган таомни татиғач, «отделкадр» лигига ўлақолса ишонмайди.



Суратчи: Муҳаммад АМИН

«— Уйимизга жуда узоклардан одамлар келиб даволашарди. Аммо бунақа даволашларга кўп ҳам ишонвермасдим. Шунда онам: «Ўғлим одамларнинг дардига даво бўлишининг минг хил усули бор, аммо буни ҳар ким ҳам билавермайди.

Уларни Оллоҳнинг ўзи шундай фазилатлар билан яратган. Бизнинг ота-боболаримиз ҳам кишилар дардини енгиллаштириш билан шуғулланиб келганлар. Бу иш бир кунни сенинг ҳам бошинга тушади. Ушанда ҳаммасига тушуниб оласан»— дегандилар,— деб ҳикоя қилади Мойли бобо.— Дарҳақиқат, бу касб мени ҳам четлаб ўтмади. Ииллар ўтиб оилали бўлдим. Фарзандлар тугилди. Ўғлим Бахтиёр тез-тез касалланадиган бўлиб қолди. Кўп-лаб врачлар, табиблар кўришди, фойдаси бўлмади.

Охири фол очиришга мажбур бўлдик. Ҳаммасидан бир хил жавоб олдик. Улар болани фақат оиласи ёки қавми-қариндошларидан бири даволаши мумкин дейишди. Ниҳоят онамнинг қўлини олиб, Бахтиёржонни даволай бошладим. Ўғлим кундан кунга соғая бошлади ва қисқа вақт ичида ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетди. Шундай қилиб биринчи беморим ўз фарзандим бўлган. Мана орадан қанча йиллар ўтиб кетди. Бу давр ичида одамларнинг дардига озми-кўпми ҳамдард бўлиб келяпман.

Худога шўқрим, ҳали бирон киши олдимдан ноумид қайтгани йўқ.

Мойли бобонинг даволаш усули оддий ош тузи, қуёш нури ва қўйнинг териси ҳамда ўсимликлардир. Мойли бободан ҳўрозак (томоқ касали), ангина, миёдаги нервлар ва буйрак йўллари шамоллаганда, хафтак (ёш болаларда учрайди), ревматизм, бел ва оёқ оғриқлари пайдо бўлганда, шунингдек, аъзолари синган, чиққан одамлар шифо топтоқдалар. Сўзларимизнинг исботи учун мижозлардан сўрадик.

Ҳайитов Аъзал.— Қизим Соҳиба ёшлигида кучли шамоллаш туфайли оёғи шол бўлиб ишламай қолди. Бир неча марта касалхонага ётиб чиқди, аммо фойдаси бўлмади. Мойли бобо қизимни бир неча муолажадаёқ аввалги ҳолига қайтарди. Соҳиба етти йиллик хасталикдан кейин яна юра бошлади, ҳозир ҳеч қаери оғримайди.

Примов Абдурахмон.— Сақимзинчи синфдан бўён оёғим оғрир эди. Дўхтирлар ревматизм деб диагноз қўйишди. Касалхонада бир неча марта ётиб чиқдим, са-

наторияларда бўлдим, фойдаси бўлмади. Мойли бобо эса даволадилар. Ҳозир оёғим оғримайди...

Халқимиз нафақат тилидан, урф-одатидан ажратиб қўйилди, балки дунёга машҳур бўлган шарқона даволаш услубларидан ҳам четлаштирилди. Халқ табиблари қамалди. Доимо таъқиб остида бўлди. Мана мустақил бўлди. Аминманки, бундан бўён Мойли бобога ўхшаш халқ табиблари ўз қадрини топадилар.

Ботир АЛИҚУЛОВ  
ТошДД толиби

«БИРИНЧИ БЕМОРИМ  
ФАРЗАНДИМ БЎЛГАН»



Утган сондаги мақоламизда чақалоқнинг дунёга келгунича бўлган ҳолати — ҳомила тарбияси ҳақида фикр юритган эдик. Ҳўш, у ўзининг чинқирик овози билан дунёни ларзага солиб туғилган, тарбия қай ҳолатда давом эттирилади?

Чақалоқ туғилган куннинг дастлабки соатлариданоқ унинг бўлажак характери қатъий равишда шакллана бошлайди. У ёлғиз қолишдан қўрқади, ёнида доимо бировнинг бўлишини хошлайди. Момоларимизнинг «Болам, чақалоғингизни ҳеч ёлғиз қолдирманг. Агар бунинг иложи бўлмаса, ёнида ўткир пичоқ қолдириш» дейишлари бежиз эмас.

Тўққиз ой, тўққиз кун она қорнида ётган чақалоқ ёруғлик юзини кўрганида, янги шароитда, янги муҳитда ўзини анча ноқулай сезади. Шу боис улар учун она қорнига ўхшаш шароит яратилса, руҳан ором олишади, қулайлик яратилганидан қалблари яйрайди, безовталиги камаюди ёки умуман безовталанмайди. Чақалоқ то бешикка белангунича уларнинг икки тарафига (ёнбошига) кичкина болишчалар қўйиб қўйилишининг асл маъноси ҳам шу. Оёқ-қўлларини яхшилаб ўраб-чирмаб йўргаклашнинг ҳам

лий тасвирларга тўла учқур қанотли сезги бўлоқлари кўз очади. Бу пайтда жимога интилиш эмас, балки ҳиссиётнинг энг теран, мазмундор, ширин антиқийи даври бошланади. Нотўғри тарбия оқибатида мана шу боқич тўлиқ ўз даврини ўтамаса, муқаддас севги ҳиссининг бўлиши мумкин эмас. Бу пайтда ҳали нозик, эгилувчан, ҳиссиётларга тез берилувчан қалб майли «у мен учун» принципларида эмас, балки «мен у учун» тариқатида шаклланади. Аста-секинлик билан устунлик қила бошлайди. Мана шу устунлик ўз вақтида пайқалиб, тезда бартараф қилинмаса, фоҳиш ёки фоҳишага хос хусусиятларнинг ривожланиши ҳеч гап эмас.

Тўғри тарбияда эса кейинги боқич бошланади. Жинсий гормонлар кўп миқдорда қонга чиқиб жинсий ҳис олов олади, майл кучаяди, иштиёқ ўзининг авжи нуқтасига чиқади. Ёш бақувват юрак энди ширин товуш ва ёқимли жилмайишга ташна. Ҳиссий ташналикни авж олдириган гулли хидлаш учун алақандай режалар тузиб, хаёлий манзараларни кўз олдига келтириб, кечаси билан тўлганга чиқади. Шоирона сатрлар хаёлида оппоқ каптардай айланади. Мана шу жинс мар-

лашмайдилар, улар ҳолини тушунмайдилар, кўнгли сўрамайдилар, ҳатто тушунишни ҳам хоҳламайдилар. Балки «псих...», «аллақандайроқимей...», «Қандайдир анақами-ей...» дея орқаваротдан масҳара қиладилар. Худди мана шу салбий руҳдаги ёшлардан келгусида транссексуаллар ҳам пайдо бўлиши мумкин. Уларнинг жинсий аъзолари тузилишига оид масалаларга тўхталмаган ҳолда (бу табобатда муҳим муаммо ҳисобланади), ўз жинсига хос бўлмаган характери намоян қилишларини таъкидлаш лозим. Баъзан шундай ҳам бўладики, бу транссексуаллар анча талантли одамлар бўлиб, ўзларининг салбий хусусиятларининг ўрнини ақлий, жисмоний ёки характеридаги айрим ўзгача сифатлар билан қоплайдилар. Ҳатто улар ўзларининг ақлий ёки бошқа қобилиятлари билан катта ном қозонадилар.

Фарангларнинг миллий қаҳрамони Жанна Д'Арк (1412-1431) учун эркаклар билан саҳнатларга чиқиш, уларнинг олдида ечиниби, кийимларини алмаштириш ҳеч гап эмас эди.

хонимнинг ўзи «Мен эркакман» деб айтар, аёлларни ўлғудек яхши кўрарди. Шифокорларнинг гувоҳлик беришича, унинг ички секретция безлари кўпроқ эркакларникига яқин экан.

Катта-кичик жилғалар ва ирмоқлардан улкан дарё ҳосил бўлгани каби, оилалар мажмуасидан жамият пайдо бўлади. Муайян жамиятнинг ҳаёт тизими онг юксаклиги мана шу оилалар мажмуасининг даражасига боғлиқ. Шундай экан, жамиятни ривожлантириш учун барча диққат-эътибор энг аввало оилага қаратилмоғи лозим. Ҳар бир оила аъзоларининг жамиятни тушуниши, ҳаёт, меҳнат, қонун ва ҳуқуқни қай даражада англаши ва риоя қилиши жамият раванқини белгиловчи муҳим омилдир.

Демак, жамиятни ташкил қилган оила аъзолари ҳар бирининг маънавияти ва жисмоний соғлиғи расо бўлгандагина улардан ақлий ва меҳнат унумдорлигини кутиш мумкин. Мабодо шундай бўлмаса, оилалар ўз ташвишлари билан ўралса, иккиламчи ишлар билан овора бўлиб қолаверадилар.

# НАСЛИНГИЗ ТОЗАМИ?

## ЁХУД СОҒЛОМ АВЛОД УМИДИ

### 2. ЧАҚАЛОҚ

моҳияти шунга бориб тақалади. Йўргакланган чақалоқнинг руҳияти ортқича ҳис-ҳаяжонсиз ривожланади ва уларнинг маълум муддатгача йўргакланган ҳолда бўлиши нерв системасини мустаҳкам қилади. Бундай болалар келажақда босиқ, мулоҳазали, кенг қамровли фикр юритувчи инсонлар бўлиб етишадилар.

Жинсий тарбия ҳам бола туғилмасдан илгарироқ бошланмоғи лозим. Туғилажак боланинг ҳам руҳий, ҳам олий онг жиҳатдан қатъий равишда бир жинсга тааллуқли бўлиши асосан онанинг дилида кечаётган ўй-фикрлари, эндокрин безлар системаси фаолияти ҳамда муайян вазиятдаги олий руҳияти фазили ва хусусиятига боғлиқ. Маълумки, онанинг эндокрин безлари ишига монанд равишда ҳомиланинг ҳам эндокрин безлари системасида ҳамда жинсий аъзолар тизимида у ёки бу ўзгаришлар бўлиши мумкин. Масалан, агар қиз ҳомила ўсаётган даврида она ҳаддан ташқари салбий таъсир ва таассуротлар аламидан қаттиқ изтироблар чекса ва у узоқ давом этса, қиз боланинг кўкрак безлари каттарган ҳолда туғилади. Баъзан шундай чақалоқларни жарроҳларга олиб келишиб «Кўриб қўйинг, мастит (кўкрак безининг яллиғлиниши) йўқмикин?» деб сўрайдилар. Бунақа хилдаги каттарош она организмидан ўтган гормонлар таъсири натижасидир. Орадан 10-15 кун ўтгач, гормонлар чақалоқ организмидан чиқиб кетади, кўкрак безлари ҳам кичираяди. Агар ҳомила ўғил бўлса, ўта кучли салбий ҳиссиётлар таъсиридан уларнинг жинсий аъзоларида ҳар хил норасоликлар пайдо бўлиши мумкин.

Рухан жинсий ўз-ўзини англаши узининг қайси жинс вақили эканлигини ажрата бошлаган вақтга тўғри келади. Унинг илк боқичлари қачон бошланиши, қай тарафга йўналиши ва ўсаётган гунчаннинг ички сезги ва ҳиссиётларининг сифати унинг келажакини белгилайди. Боланинг ўсish жараёнида ички секретция безлари фаоллаша боради. Усмир ўзи билмаган ҳолда ўзининг ўғил ёки қизлигини намоян қила бошлайди. Худди мана шундай тўғри гормоник ривожланиш бўлган тақдирдагина бу энг муҳим боқич ортқича машмашаларсиз, четга оғишларсиз, ўз меъёрида ўтади ва қиз ёки ўғил қарама-қарши жинсга бошқача кўз билан қарай бошлайди. Худди мана шу даврда ўзига хос хаё-

казий нерв системасининг энг муҳим нуқталарида жинсий хусусиятлар тўғри шаклланади ва бунинг билан ота-она истаган, севгига содиқ, баркамол йигит ёки вафодор, ҳаёли, соҳибжамол, юксак қалбли қиз етишади. Мабодо мана шу боқичларда нотўғрилилик бўлса, ижтимоий тузум хушламайдиған сифатларни ўзида мужассамлаштирган йигит-қизлар вояга етиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Бир неча ўн йиллар давомида ўғил ва қизлар «Сизлар тенг ҳуқуққа эгасизлар» ақидаси асосида тарбияландилар. Улар «ҳуқуқ» деганда умуман бошқа маънони кўнгилларига тугун қилиб оладилар. Айниқса ўғил болалар боғча, мактаб, пионер лагерлари, болалар ўйи, интернатлардаги тарбия тоши остида худди қиз боласимон хусусиятли бўлиб ўстирилди. Натижада билағида куч, товоғидан ўт чарсиллаб турган паҳлавон кўркамас йигитлар эмас, балки қизларга хос мулоим, иккиланувчи, бўшанг, қатъий сўз айта олмайдиған йигитлар анча кўпайиб қолди. Улар мустақил фикрлаш асосидаги ҳаракатлари дастурини тамомила йўқотишиб, бир мутьега айланиб қолдилар. Бу ёндошув қизларга ҳам таъсирини ўтказмасдан қолмади. Ажойиб назокат, юксак ҳаё, муқаддас шарм, майин табассум, мафтункор ноз, нозик қарашларнинг анча камайганлиги ҳам сезилиб қолди.

Маълумки, насл генлари ва руҳият ҳар нарсадан таъсирланувчи нозик тузилма. Мана шунинг учун ҳам ижтимоий меҳнатда кўпроқ мускул кучига эътибор бериш, бу кафзалликларни аёлларга раво кўриш шу ген хусусиятлари ва руҳиятига таъсир қилади. Оқибат аёлларда эркакларга хос фазилатлар ҳам шаклланиб улғуради. Ортирилган салбий жиҳатларнинг барчаси баъзи бир ёш авлод вакилларида ўз жинси чегарасидан ташқаридаги хусусиятларнинг шаклланишига сабаб бўлади. Бу сифатдаги инсонлар доимо дисгармония ҳолатида яшайдилар, атроф-муҳит билан қарама-қаршиликда бўладилар. Ҳатто уларнинг қалбида ҳам алғов-далғов қарама-қарши ҳиссиётлар жўш уради. Мана буниси энг даҳшатлидир. Улар ўзларининг биологик ва ижтимоий жиҳатдан ким эканликларини яхши билсалар-да руҳий кечинмаларини ўзгартира олмайдилар. Атрофдаги одамлар эса улар билан қалбан гап-

У ҳатто эркаклар билан бир тўшакда ҳам ухлаб қолаверарди. Бироқ унинг ўзида эркакларга нисбатан майл йўқ, ўзи эса доимо эркаклар кийимида юрарди. Ҳатто турмадалигида ҳам герцогиня Бедфорская берган қўйлакни эмас, балки эркакча кийимини устидан ташламади. Замондошларининг ёзишича, унинг элқалари кенг, овози дўриллаган, ўзининг аёллигини тан олмаган жангари экан.

Рус ёзувчиси Надежда Андреевна Дурова (1783-1866) 23 яшарлигида сочларини кесиб ташлаб, эркаклар кийимини кийиб, казаклар полкида 11 йил хизмат қилганди. Ҳарбий хизматдан бўшагандан кейин ҳам у чекар, нукул эркаклар кийимида

юрар, аёллар билан танцага тушарди. У ўзини эркакча ном билан аташни бошқалардан талаб ҳам қиларди. Н. А. Дурова Россияда Георгий крести ордени билан мукофотланган ягона аёлдир. 60 ёшгача ўзини эркакман деб юрди. То ўлгунича эркакча кийинишини, бошидан аскарча қалпоғини, қишда эса папахини ташламади.

Фаранг ёзувчиси Жорж Санд (1804-1876) овози ва қомати ингичка бўлса ҳам, баъзан эркакча кийимда юрар, ҳатто ўша замонда фақат эркаклар шуғулланиши лозим бўлган спорт турлари — милтиқдан отиш, отда юриш, қиличбозлик билан шуғулланарди. Жорж Сандни руҳият-шунослар «Юбқадаги эркак» деб атардилар.

Беморлар парваришини «бўлмағур иш» деб қаровчиларга қакшатқич зарба бериб, уни иззатли касб даражасига қўтарган инглиз ҳамшираси Флоренс Нэйтингейл (1820-1910) ҳаёти ҳам қизиқ. 17 ёшидан бошлаб ярадорлар парвариши билан шуғуллана бошлайди. У пайтлар бу фақат эркакларнинг иши, деб қараларди. У ўз хоҳиши билан кўплаб шифохоналарда бўлади, Севастопаль жангида ярадорлар парваришини ташкил қилиш билан шуғулланади, бу тўғрида китоблар ёзади. У анча чиройли ва қомати келишган эди, бироқ турмушга чиқини сўраганларга қатъий рад жавобини берарди. Умрининг охиригача турмуш қурган эмас. Флоренс



Суратчи: Дониёр КАРИМБЕГОНОВ

Соғлом ақл ва соғ танда соғлом муҳит яралади. Хуллас, ҳар қандай мураккаблик соддаликдан бошлангани каби ҳар бир шахслар соғлиғи мажмуаси жамият соғлиғида ўз таъсирини кўрсатади. Халқимиз бекорга «бирники мингга», деб айтмаган. Бир одамнинг соғлиғи жойида эмаслиги анча кишини (ота-онани, қариндош-уруларини) ташвишга қўяди. Шу вазиятнинг жами Республикамиз бўйича тасаввур қилсак, «бирники мингга», сўзининг маъноси аниқ бўлади.

Демак, Ватанимиз гуллаб-яшнасин, деган ҳар бир инсон, ҳар бир оила соғлом фарзанд дунёга келиши учун қайғуриши керак. Бунда юксак онг ва моҳиятни тўғри тушушган ҳолда ёндошмоқ тақазо қилинади. Мана шундагина ҳам жисмоний, ҳам жинсий, ҳам маънавий соғлом қатлам бунёд бўлиб, Ватанимиз дунёдаги энг етакчи давлатлар сафидан ўрин олади.



«Оила ва жамият» 19(90)

Ишхонада қўлэмаларга кўмилиб ўтиргандим. Телефон жиринглаб қолди. Гушакни кўтарсам — курсдошларимдан бири. У одадаги саломаликдан сўнг бугун ваъдасига кўра «Малика Аҳмедованинг рақс мактабига олиб бориши мумкинлигини билдириб қолди. Апил-тапил қоғозларимни йиғиштириб, у билан келишиб олганимиз — метро бекатларидан бирига етиб келдим. Хамид Олимжон бекатидан чиқиб, эшиклари тепасига «Шаҳар болалар ижодийети маркази» деган лавҳа битилган, кўҳна бўлса-да, салобатини йўқотмаган бино қаршисида тўхтадик: «Мана шу ерда биз қириган мактаб» деди ҳамроҳим жилмайиб. Кейин билсам, унинг қизчалари ҳам мазкур мактабда рақс санъати сирларини эгаллашаётган экан.

Мен бироз ўзимни ноқулай сездим. Дабдурустан кириб келиб, Малика опага «сиз билан суҳбатлашмоқчиман», десам қандоқ бўларкин... Бунинг устига бу ерда ҳаммаси қизлар, машғулотлар ўтказилаётган бўлса...

Бироқ, Малика опанинг хонасига киришимиз билан мендаги бу истиҳолга ўз-ўзидан тарқалиб кетди. Билмадим, бунга кишидаги дилкашлик сабаб бўлдим, суҳбатимиз ниҳоятда кўнгилли ўтди. «Тушунман, — дейди Малика опа табассум билан, — сизни нима сабабдан Малика Аҳмедовага рақс мактаби керак бўлиб қолди экан, катта санъатдаги ташвишлар етмасми-ди деган савол қизиқтиради, тўғрими?

МАЛИКА АҲМЕДОВА:

## РАҚС ВА ИНГЛИЗ ТИЛИДАН САБОҚ БЕРАМАН

Аввало менинг раҳбарлигимда фаолият кўрсатаётган ушбу мактаб — нафақат рақс мактаби, балки нафосат ва гўзаллик мактаби ҳамдир. Бу ерда рақс санъати билан бирга ахлоқ-одобдан, хореография, яъни қадду-қомат камолатидан, қолаверса инглиз тилидан ҳам сабоқ берилади.

Биласизми, мени бир нарса ҳамиша ўйлантириб келади: кўча-кўйда юрганда, қизларимизнинг қаддан ташлашларига, қадду-қоматларини тутишларига ҳеч кўзингиз тушганми? Тўғри, уларнинг ҳаммаси ўзига яраша чиройли, барно. Аммо қадду-қоматларини нафосат билан идора қила оладиларми? Афсуски, йўқ! Бу нимадан? Алишер Навоий ҳазратларининг ғазалларида тавсифланган гўзалларнинг товусдек хиромон юришлари, сарвадк адл қоматлари, шамшоддек бўй-бастлари қайнда қолди!

Халқимизнинг маънавият олами жаҳондаги ҳеч бир халқ маданиятидан қолишмайди. Фақат биз — бугунги ав-

лод ана шу ўзимизда мавжуд ганжинани кўз-кўз қила билишимиз лозим. Уйлаб кўринг, бугунги санъатимизни жаҳонда Мукаррама опа, Тамарахоним, Галия опа, Бернора опалардек ким кўз-кўз қила оляпти? Хуллас, мактабни очшимга ана шу ўй-хаёллар асос бўлди.

Мактабда 4—5 ёшдан 15—16 ёшгача бўлган қизлардан таркиб топган 4 гуруҳ мавжуд. Қизларнинг ҳаммасини танлов асосида қабул қилганмиз. Машғулотларимиз ҳафтада икки маротаба ўтказилади. Афсуски, ҳозирча машғулотлар учун ажратилган хона торроқ. Шу боис катта гуруҳдаги қизларимизнинг машқлари кечроқ тугайди.

Ҳозирча мактабга қатнаб турган 120 дан зиёд ўқувчиларнинг бирортаси машғулотлардан нолиганлари йўқ. Аксинча, уларда кундан-кунга санъатга илҳос ортиб борапти. Дарвоқе, ўқувчилар пойтахтимизнинг турли туманларидан. Тошкент вилоятидан келиб қатнаётганлар ҳам бор. Ҳаммалари дўст, иноқ. Турли миллат вакиллари бўлишларига қарамасдан, ўзбек миллий рақсларини, умуман шарқ халқлари рақсларини ижро этишни жон-дилларидан севадиган қизлар.

Қизларга рақс ўргатар эканман, мураббийларнинг нақадар олижаноб касб эгалари эканлигига яна бир бор иймон келтирдим. Муаллим, устоз, қаерда бўлмасин, мактабда бўладими ё бошқа жойдами, барибир ўз шо-



талаб қилишнинг ўзи кулгули. Бахтимизга халқимиз жуда нозикфаҳм, дидли. Гуруч билан курмакнинг фарқини яхши билади.

— Малика опа, келинг, яна мактабга қайтайлик, — дедим у кишига бу мавзуда гапириш оғир ботаётганини кўриб. — Ҳозир янги бир ишни бошлаш осон эмас, аллақанча маблағ керак. Мактабнингизга ҳомийлик қилаётганлар бордир?

— Аввало, Урта Осиё электр ускуналари заводи директори Абдуманнон Алимбоевга миннатдорчилигини билдираман. Ушбу корхона мактабимиз ҳисобига 100 миң сўм пул ўтказди, раққоса қизларимиз учун машқ либослари тайёрлатиб берди. Яна шундай саховатли ташкилотлардан «Симург» фирмаси, «АВВ» фирмаси, «Малика» тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси, Халқ Академияси раҳбариятини айтиб ўтмоқчиман. Лекин барибир ҳали ҳам имкониятларимиз чекланган. Ихтиёримиздаги 230 миң сўм пул нима ҳам бўларди ҳозирги шароитда? Қани энди халқимизнинг саховатли вакиллари нафосат ва гўзаллик масканимизга муруват қўлини чўзсалар. Ахир ўзбек рақс санъатининг келажаги бугун менинг қўлимда таълим олаётган ўқувчиларга ҳам боғлиқ-ку!

Малика опанинг илтимосига юртимизнинг саховатли ишбилармонлари бефарқ қолмасликларига умид билдирдим. Шундан сўнг у киши «Озу марта эшитгандан бир марта кўрган афзал» — дедилар-да, мени бўлгуси раққосалар машқ қилаётган залга бошладилар. Машқ зали юқори қаватда жойлашган, чоғроққина бўлса-да, рақс сирларини ўрганиш қулайликларига эга. Девордаги тутқичлар, тошойналар, кишининг бутун вужудини тўлқинлантирувчи шарқона мусиқа садолари ва бир-биридан ширин, жажжи қизалоқлар...

Биз залга кирганимизда энг кичик гуруҳ қизлари машқ қилишаётган экан. — Бу менинг қизим, Хадича, — дея таништирди Малика опа кичикинтойларга раҳбарлик қилаётган, кўзлар чакнаб турган қизга ишора қилиб. — Менинг ўнг қўлим, ҳамма ташвишларимга шерик.

Мен митти қизчаларнинг маҳобатли кўзгулар қаршисида берилиб рақс тушаётганликларини кўзатар эканман, уларнинг мурғак жуссаларидаги ажиб бир назокатни илгандек бўлман. Дарвоқе, уларнинг ҳар бири шу лаҳзада ўзларини энг тенгсиз, энг назокатли раққосалар дея англашаётгандек эди, назаримда. Зеро, уларнинг устози, элимизнинг фидойи санъаткори Малика Аҳмедованинг асосий мақсади ҳам шу эмасми?!

Мўҳиддин ОМОН

● Аҳмад ЯССАВИЙ ●

## ҲИКМАТ

*Татавуў рўза тутар, халқларга шайхлик сотар,  
Илми йўқ оминдин батар охир замон шайхлари.*

*Белига фўта чолур, ўзини киши сонур,  
Аросатда ўқтанур охир замон шайхлари.*

*Бошига дастор ўрар, илми йўқ, нега ярар,  
Уқи йўқ ёсин қулар охир замон шайхлари.*

*Алоидин ол қилур, маъмилиани мол қилур,  
Эссиз умрин ел қилур охир замон шайхлари.*

*Шайхлик улўғ турур, ҳазратга элган иш турур,  
Ош бермас бағри тош турур охир замон шайхлари.*

*Мискин Аҳмад, қандасен, Ҳақ йўлида недасен,  
Илминг йўқ на сондасен, охир замон шайхлари.*



**МАСЛАХАТЛАР**

**ИНСОННИНГ РУҲИЙ  
ҲОЛАТИ**

**ҒАЗАБЛАНИШ**

Ғазаб — руҳий ҳолатдаги энг ёмон ва зарарли ҳолдир. Ғазаб инсон қонини ларзага келтиради, баданини хароб қилади. Буни билган ҳар кимса бу азим бало оловидан ўзларини сақлашлари, бўлар-бўлмаста ғазабларини кўзгатавермасликлари керак.

Ғазабланмаслик гарчи бизнинг иродамизга боғлиқ бўлмай, ундан ўзини сақлаш оғир бўлса-да, бироқ унга эрк бериб юбориш ҳам юрагимизни издан чиқаради.

Инсоннинг хушмуомала бўлиши унинг саломатлигини оширади. Иссиқ миқозли, қизикқон, асаби суст кишилар доимо ҳазми осон овқатларни ейишлари, совуққонликка рағбат этишлари, қонни қиздирадиган ўткир нарсалардан парҳез қилишлари, кучли жисмоний меҳнат, фикрлаш, меъеридан кўп ўқишдан эҳтиёт бўлишлари зарур.

**ҚҲРҚҲВ**

Қўрқув ҳам руҳий ҳолатларга тааллуқли иллатлардан ҳисобланади.

Болалар орасида бир-бировларини қўрқитиш қадимий одат. Бу одатга болалар кўпроқ ота-она, доя, ҳар хил одамлар орқали эшитган қўрқинчли ҳикоялар сабабли ўрганадилар. Шунинг учун болаларга дев, жодугар, алвасти, жинлар водийси каби нарсалар ҳақида гапирмаган яхши, бундай ҳикояни тинглаган болаларда қўрқоқлик касали пайдо бўлади, кечаси уйдан кўчага чиқолмаслик, ёлғиз ётолмаслик иллатлари намоён бўлади. Бора-бора асаблари бузилиб, юрак ўйноғи ва оёқ-қўл титраши каби нуқсонларга дучор бўлади...

«Ҳикматнома»дан

**Дераза**

**ШОРТ КАСПАРОВНИ ЕНГА ОЛАДИМИ!**

Узоқ вақтдан бери тождорлик даврини сураётган Каспаровнинг эндиги хавфли рақиби Англиядан келмоқда. Англиянинг энг зўр шахматчиси деб саналаётган Шорт Каспаровнинг доимий рақиби Карповни ҳам мағлуб этди. 19 ёшида катта шахмат устаси бўлган Шорт Каспаров ҳақида ҳеч бир яхши фикр билдирмайди, балки ундан нафратланишини, бошқа тож соҳибларининг ҳам даҳо бўлмаганлигини ва Каспаровнинг ҳам ҳеч бир рақибини ёқтирмаслигини ҳисобга олсак 2,1 миллион долларлик учрашув том маънода жаҳллар учрашувига айланади.

Рустам **МАРДОН**  
(Туркия)

**ИНСОФЛИЛАР ҲАЛИ ҲАМ БОР**

Яқинда Русия газетларидан бирида антика хабар босилди. Бир сотувчи харидордан ортиқча пул олганлигини сезиб қолади. Пулни қайтармоқчи бўлади-ю харидорни тополмайди. Сўнгра сотувчи эълолар бўлимига мурожаат қилади. Маълум бўлишича ҳақини қолдириб кетган харидор чекка қишлоқлардан келган бир нафақахўр экан...

**КОНЯККА ЮВИЛГАН «ФОРД»**

Днепропетровсклик бизнесмен жаноб янги сотиб олган «Форд» машинасини шаҳар ташқарисидан, хушҳаво жойда, ўртоқлари даврасида ювди. Улфатчилик айни қизиган чоғда «Форд»ли жаноб бир яшиқ конякни машина ёнига қўйди. Даврадош хонимлар эса бундай янгича, ноёб «новуечи модда» билан «Форд»ни ялтиратишди.

**ҲУҚМ ҚАТҲИЙ...**

Қизилўрда вилоятининг Қизилтов аҳолиси ўзлари яшайдиган худудни хушёрлик зонаси деб эълон қилдилар. Энди тўйдами, азадами, қаерда, ким бўлишдан қатъи назар спиртли ичимлик ичганга 30 минг сўм жарима солинади. Ҳуқм қатъий, шикоятга ўрин йўқ, деб қарор чиқарди овулнинг оқсоқоллар кенгаши.

Янги қарам қисқа муддат ичида пишади, шунинг учун шўрвага қарамни картошқадан кейин солиш лозим. Янги қарамни димлаб пиширишда озгина сирка қўшилса хуштам бўлади. Ёки уруғидан тозаланган аччиқ олманинг майдалаб қирқилгани солинса, димланган қарам янада мазали бўлади.

Чучвара, ун оши ва мастава тиник бўлиши керак. Чучвара ва уграни бир минутга, гуручни 3-5 минутга ноқ сувга солиб, сувини, сирқитидан кейин қайнаб турган шўрвага ёки сувга ташланг. Макарон махсулотлари ёпишиб қолмаслиги учун сув макаронга қараганда кўпроқ бўлиши керак.

Куюк ҳиди бўлган ёғни ҳам янгилаша бўлади. Пиёзни йирик қилиб тўғраб, куйган ёғда қовурилади. Пиёз ёқимсиз ҳидни ўзига тортиб олади, кейин пиёзни олиб ташлаш мумкин.

**Оила**

**44 ЕШДА**

Тошкентлик, уй-жойи бор, иласидан ажрашган (фарзанди онаси билан кетган) жаноб одоб-ахлоқли мусулман билан турмуш қўроқчи. Юк ташувчи бўлиб ишлайди. «Оила — 188»

**26 ЕШДА**

Сурхондарёликман. Хотиним билан анча бўлди, ажрашганман. Болам йўқ. Техникумда сиртдан ўқийман, кураш билан шугулланаман. Уйим-жойим дейдиган, хушбичим дилбар қиз ёки жувон билан танишиб, бир умр бахтли ҳаёт кечирмоқчиман. (Қаҳқадарё ёки Сурхондарёдан бўлса яна ҳам яхши) «Оила — 189»



МОМОЛАР ҚАЛБИНИНГ ТАФТИ Суратчи: С. МАҲҚАМОВ

**Табриклаймиз!**

Ҳурматли домламуз ЭРКИН ака ХУДОЙБЕРДИЕВ!  
Сизни тугилган кунингиз билан самимий муборакбод этамиз. Ижодий ва шахсий ҳаётингизда улкан зафарлар тилаймиз.

АСАТИЛЛО ва ЛОЛА.

ШОКИРЖОН! Сени 4 ёшга тўлишинг муносабати билан табриклаймиз. Аянг ДИЛОРОМ, бобонг ва холаларинг. Яккабоғ.

Суюкли фарзандимиз, жигаримиз ЮЛДУЗ!  
Сени тугилган кунинг билан табриклаймиз. Умрингиз узоқ, танинг сизат, пенсиянгни ёрқ бўласин! ДАДАНГ, АЯНГ, АММАЛАРИНГ. Пойариқ тумани.

ЖАҲОНГИР!  
22 ёшга тўлишинг билан қутлаб, сенга бахт ва соғлик тилаймиз. ВОҲИД, АКБАР. ТошМИ талабалари.

Меҳрибон онажонимиз ИНОБАТХОН КАҲҲОР қизи, опамиз САОДАТ, укаларимиз ПУЛАТЖОН ва МАНСУРЖОНлар!

Сизларни тугилган кунингиз билан муборакбод этамиз. Энг эзгу тилакларни тилаб МУҲАББАТ, ШУҲРАТЖОН, ЛАТОФАТ, МАҲРАТ. Термиз шаҳри.

Азиз дўгонамуз МАТЛУБА!  
Биз сени 18-май — 14-баҳоринг билан чин дилдан табриклаймиз, келажакдаги орзуларинг рўёбга чиқишига тилакдошимиз, ўқини ва ишларингда каттадан катта зафарлар тилаймиз деб 8-синф ўқувчилари МАНЗУРА МАВЛОНОВА, РАЪНО САИДОВА, РОҲИЛА ХУЖАНОВА. Қаҳқадарё вилояти, «Хитой» давлат хўжалиги.

Қадри АБДУВОҲИД ака ва МУНАВВАР она! Сизларнинг ва бизнинг оиламиз қувончи бўлган суюкли, асалдек набираларимиз БАХТИНУР ХУЖА АБДУРАҲМОН

ХУЖА ўғлини таваллуд айёми — 1 ёшга тўлиши муносабати билан қутлаб, ҳаммангизга Оллоҳ таолодан бағри бутунлик, тотув турмуш, узоқ умр, сизат-саломатлик тилаймиз. ХОЛИДА бувиеси ва АКРОМЖОН тоғаси.

Ҳурматли дўстимиз ФАРҲОД ТОҲИРОВ!  
Сизни 17-майда муборак 40 ёшга тўлишингиз муносабати билан самимий қутлаيمиз. Сизга омад ёр, Оллоҳ мададкор бўлсин, энг эзгу тилаклар сизни тарк этмасин. Эзгу орзуларингиз ижобатини Худодан тилаб: самимий ҳурмат билан дўстларингиз АБДУҚОДИР, АСАТУЛЛО, АСРОРБЕК, НАЗАРҚОСИМ.

Азиз ва меҳрибон ОРИФ ЭРҒАШЕВ! 50 ёшга тўлишингиз муносабати билан муборакбод этамиз. Сизга омад ёр, Оллоҳ мададкор бўлсин. Ҳурмат билан рафиқангиз ДИЛОРОМ, фарзандларингиз ЯШИНЖОН,

ОИБЕКЖОН, РУСТАМЖОН, БАХТИЕРЖОН, НАФИСАХОН ва САРВИНОЗЖОНлар. Қизилтепа.

Ҳурматли дўстимиз ИСМОИЛОВ ФАРҲОД САФОВИЧ!  
Сизни 18 майда муборак 40 ёшга тўлишингиз билан қизгин табриклаймиз. Сизга омад ёр, Яратган мададкор бўлсин, энг эзгу тилаклар сизни тарк этмасин. Барча ниятларингиз ижобатини Худодан тилаб, самимий ҳурмат ила дўстларингиз: МИРҚОСИМ, РУСТАМБЕК, МУРОДЖОН, АБДУҚОДИР.

Азиз ва меҳрибон волидамиз МЕҲРИНСО ая

ИСМОИЛЖОН қизи! Сизни таваллуд айёмингиз билан чин қалбдан муборакбод этиб, Сизга боқий умр, танингиз, бахтимизга омон бўлишингизни яратгандан сўраб қолувчи — турмуш ўртоғингиз ва фарзандларингиз номидан ўғлингиз ШУҲРАТ.

Дўстимиз СУЛТОНМУРОД!

Рафиқангиз ва қизчангиз бахтига соғ-омон бўлинг. Оллоҳ сизга қўчқордай ўғил берсин. Ҳурмат билан МУХБИР ЖУРАЛАРИНГИЗ.

ОДИЛОВ ШАМСИДДИНОЖОНни 17 май куни 6 ёшга тўлиши муносабати билан табриклаймиз. Уна асалдай ширин ҳаёт, осмондек беғубор ва тиниқ умр тилаймиз. Тарбиячилари номидан ШАҲНОЗА, ШОҲИДА, УМИДА, ЗАМИРА ва ГУЛЯ.

Меҳрибон онажонимиз САРИГУЛ ая АШУРОВА!  
Сизни муборак 44 ёшга тўлишингиз билан табриклаймиз. Бахтимизга доимо соғ бўлинг. Умрингиз узоқ бўлсин. Келгуси ҳузур-ҳаловатингиз йўлида биз — фарзандларингиз доимо камарбаста бўлайлик. Фарзандларингиз УҚТАМ, СОДИК, ЮЛДУЗ.



# ЯХШИДИР—ГУЛ АТРИ, ГУЛ ЖИЛМАЙИШИ

УСТОЗ ОЙБЕК  
ШЕЪРИГА НАЗИРА

Кел ўйноқи, шўх сабо,  
Майин сочларимдан ўп.  
Ҳисларимнинг рўбобин —  
Торларини чертиб ўт.

Юзларимда қол бирпас,  
Кўзларимда қил сайил.  
Дароқашим бўл бир нафас,  
Мен севгимдан сўйлайин.

Кел, севгимдан сўзлайин,  
Ҳам жафокаш гўзалдан.  
Мен ҳижрондан бўзлайин,  
Узгаларга сўзлама...

1967

## РУБОУЙЛАР

Яхшидир — гул атри, гул жилмайиши,  
Гул билан файзлидир бу олам иши.  
Аммо ёмонлардан ёмонлироқдур  
Унинг тиканидан ҳадиқли киши.

Ўғлим, ҳаётда ўс, ўсганинг бўлсин,  
Тўқис-туғалингу рўй-ростинг бўлсин.  
Борингда чопишган минг дўстанд кўра,  
Йўғингда қайишган бир дўстинг бўлсин.

Дилдираб саҳарга ёлборар шабнам:  
«Қуёшга рўбарў келтирма, ошнам!..»  
Бу дам тонг этагин кўтарар қўши,  
Билмай қолар нурга айланганим ҳам.

Дунёда ташвишларни кўп чекди бошим,  
Гоҳ қувондим мен, гоҳ тўқилди ёшим.  
Қашиф этдим ўзимга битта ҳақиқат:  
Ҳақиқат бу — ташвиш, ишонч, бардошинг!

Жонон пиёлага лаб тутар чойнак,  
Қараб туриб дейман: «Қуёшу ойдак...»  
Мақтовдан талтайиб пиёла шу дам,  
Лабимга лаб босар чанқоқ ва қайноқ...

Кезаркан уччовлон: ой ва биз,  
Оқизиб боради анҳор аксимиз.  
Чавандоз тўққинлар ойда от солар,  
Кўшилиб кетамиз учовимиз...

Яралибдики бу кўхнаи олам,  
Яхши-ю ёмонга паноҳу ҳамдам.  
Ёмондан, хоиндан қўрқинчлироқдур  
Замонни ёмонга чиқарган одам.


Орзиқиб-орзиқиб кутдим уззу кун,  
Юракка тош бўлиб ботди узун кун.  
Аммо ҳаётимда армондир ҳануз,  
Ўшандай асабий,ундай тузук кун.

Овоза қилдилар: «Туллак, итфеъллик...»  
Тухматга ён бердик: «Ҳа-да, ҳа» дедик.  
«Раҳматлик яхшидир» дейишар энди,  
Бош ирғаб бу сўзни ҳам маъқулладик.

Ишқ розин этмаса ошкора баён,  
Кумуштан ёр кўнглин англагин нодон.  
Пинҳона ишқ раийн сезмовди қалбин  
Ҳанузим жабрини тортаман нолон.

Биламан, дунёда сен борсан,  
Васлингни тополмай мен ҳорман.  
Биламан, учратгум бир кунни,  
У пайт ҳам сен — гул, мен — тупроқман.

«Фарзандларим  
қалбимнинг кўзидир,  
меҳрибон рафиқам  
вужудим қуввати,—  
дейди шоир.— Шу-  
ларнинг ҳаққи-ҳур-  
мати ҳаётдан нолиши-  
га ҳеч қачон асосим  
йўқ.



ОТАЁР — 1946 йили Самарқанд вилоятининг Нарпай туманида туғилган. Журналистика факултетининг биринчи қалдирғочларидан. Унлаб шеърӣ китоблари, таржималари эълон қилинган. Устози Миртемир домланинг ҳаёти ҳақидаги қизиқарли роман-эссе муаллифи. Аини пайтда уйда, бетоб.

## АНГЛАШ

(сонет)

### Мухаббатхонимга

Сен кўйдаги ой эмас,  
Ё чарақлаган юлдуз.  
Сўзда ҳам шўх сой эмас,  
Пардозга ҳам уқувсиз.

Қалбимда яшар аммо,  
Ой ва ёрқин тўрт юлдуз  
Минг юлдузу оймомо  
Дилга сиғмас уларсиз.

Сиғинганим у ой — сен,  
Беш юлдуз ўғил-қизим.  
Мақтовга йўқман, лекин  
Бисёрдир айтар сўзим:

Сизлар туйфайли Тайлим,  
Янашга бордир майлим!

## ДИЛБАР ДАМЛАР

Чақмоқ кесиб ўтди тўнғ булутларни,  
Гўё тарс ёрилиб кетди-ёв осмон.  
Момоқалдироқнинг гулдираклари  
Қишлоққа тўқилди учқунларсимон.

Бошим айланди-я унинг исидан,  
Бағрага сингиди баҳорий ифор.  
Учрашувга иошган қизнинг изидан,  
Шаррос қуяиб берди ёлғирли баҳор.

Баҳор атрига ювинар қишлоқ,  
Бўғриқиб учғудай гўё далалар,  
Деҳқон ҳаёлида ҳалитданок,  
Кўпчиан ҳосилии қузғи паллалар...

Баҳорий лаҳзалар кўзга кўнади,  
Қувонган ҳаёллар тополмас кўним,  
Ёлғир қуяр,  
Гўё осмон ўпади —  
Хайрли деҳқоннинг қадоқли қўлин.

Шундай муҳаббатли дамларким азиз,  
Ҳаёли қитиқлар дилбар бир фасл.  
Учрашувдан қайтар ҳу боёзи қиз,  
Баҳорий муччидан ёноғи қизил...



Ёмон-ку ёмон — хўб, яхшилар бор-ку?!  
Қим қилса — ўзига, сўнг дунё тор-ку.  
Ёмоннинг қилмишин замондан кўрма,  
Ундан кўра яхшига бўл рўбарў.

Ўйлама: у тамом, ўлса керак деб,  
Яшайман эртанинг ташвишини еб,  
Эртанинг эртагин юлқилай кўрма,  
Кўр қилгум индинга нур бўлиб келиб...



Ўйлаб қолдингиз-а. Ҳеч кимнинг бошига бу кун тушимасин ҳам. Лекин... Ҳаётнинг қизиқ ғаройиб ўйинлари кўп. Уйнатади, ўйлатади. Хуллас, инсон пешонасига неки ёзилган бўлса кўраверади... Эшитинг, суҳбатдошимиз — пойтахтдаги Собир Раҳимов тумани халқ суди ҳаками Мўътабар Ҳошимова бу ҳақда не дейди?

— Биров билиб, биров билмай ўзича мулоҳаза қилади: судларда ишлайдиганларнинг пичоғи мой устида. Истаса ҳукм чиқаради, истамаса... дейдиганлар орамазда бисёр...

— Эҳ, нимасини сўрайсиз синглим. Ҳар ким дунёни ўз қаричи билан ўлчайди. Хали айтганингиздай, у дейди бу дейди. Хуллас, гап-сўз кўп.

Судда ишлаш оғир. Гоҳо шундай воқеалар ҳам учрайдики, ҳукм чиқаришга юрак бетламайди. Айниқса кўйдичиқди масалаларида ниҳоятда босиқлик даркор. 4-5 та боласи бор эсли-ҳушли эркеклар ҳам ариза кўтариб келишади. «Ажрашаман, вассалом» дейдиганлари ҳам учраб туради. Икки йўл орасида қоламиз. Кўрсатаётган ваз-карсонлари арзимас. «Бир-биримизни шунча йил яшаб тушунолмадик...» Шуюм баҳонами энди. Кўзларига ҳеч нарса кўринмайди, ўз тинчлигини ўйлайди холос. Болалар нима бўлади. Уларнинг гуноҳи не? — дейман. Судда чидаган одам ишлайди. Асаб, сабр-бардош, тажриба керак. Чунки келувчилар ўзлари ечолмаган муаммога биздан ҳимоя, ечим истаб келишади.

Суднинг биринчи вазифаси эр-хотинни иложи борича яраштириш. Судга биринчи бор келган эр-хотинлар даргазаб ҳолатда келадилар, ўйлаб-нетмай бир-бирларини ҳақоратлашади. Тезда ажратиб юборишимизни сўрашади. Биз масалани тўлиқ ўрганиб бузилаётган оилага маълум муддатлар берамиз. Зора шу вақт мобайнида улар хатоларини тушуниб етса...

— Тушуниб етганлари ҳам бўладими?

— Бўлади. Баъзан шундай

«иш»ларни кўрамазми, икки ўртани боғлаб турадиган кўприк деярли йўқ. Бузилиб бўлган. Тузатиш қийин. Ҳатто болалар ҳам оилани сақлаб қололмайди. Бундай ҳолларда ажратамиз. Бўлмаса эртага даҳшатли, кечириб бўлмас фожиалар чиқиши мумкин.

— Ажралишларнинг асосий сабаблари нималар?

— Ҳар хил. Баъзан кўрсатаётган баҳоналарини эшитиб ёқа ушлайсан. Тавба нима эмиш, «яхши кўргани бор экан...», «Тўйгача яхши гапирарди. Энди уряпти, сўкяпти»... Хуллас арзимаган сабаблар. Бунинг устига икки ўртада қуда-андалар бир-бирларидан ўпка-гина қилишган. Асосийси ўртадаги ҳурматнинг йўқолиши. Муддат беришда ҳар икки томонга ҳам насиҳат қилинади. 1992 йил мобайнида 115 та оилани тиклаб уларни яраштиришга эришдик.

— Аёллардан кўпроқ ариза тушаяптими ё эркеклардан?

— Ҳисобини айтсам... Йўқ, кўйинг шартмас. Ҳамма кўриб-билиб турибди-ку. Икки томон ҳам деярли тенг десам хато бўлмаса керак.

— Сир бўлмаса айтингчи, 1992 йилда қанча ариза тушган?

— 1992 йилда Собир Раҳимов туман халқ судига ажралиш масаласи бўйича 639 та фуқаролик иши билан мурожаат этилган.

— Алимент тартиби қандай?

— Алимент. Эр-хотиннинг ойлик маошидан ўндирилади. Агар болалар отада қолса она тўлайди, онада қолса ота тўлайди. Бу давлат томонидан қатъий суммада белгиланган, 18 ёшга қадар. Тўламаганлар жиноий жавобгарликка тортилади.

— Бош тортганлари ҳам учраб турадими?

— Туради. Суд барибир

излаб топади. Лекин ота-она норасида гўдакларининг тақдирини кемтик қилганлари етмагандай яна қандайдир арзимас «садақа»ларидан бош тортса уят эмасми. Ўз боласининг ризқини еб боқади деб. Мен ўзлари тирик туриб фарзандларини тирик етим қилган ота-оналарга қаршиман. Уйламасинлар «нафақа» пул боқади деб. Алимент миқдорини янада ошириш керак. Ушанда айрим ота-оналар сал ўйлашармиди...

— Суд ишларингизда ота-оналикка нолойиқ фуқаролик ишлари ҳам кўриладими?

— Судда ажралиш ҳақида фуқаролик ишини кўриб чиқганимизда ҳақиқатдан ҳам кўпроқ болалар она тарбиясига қолдирилади. Бу дегани ота фарзандни кўриш ёки тарбиялашдан маҳрум қилинади дегани эмас. Бундай қарордан мақсад, болалар манфаатини ҳимоя қилиб шундай хулосага келинади. Ҳар ҳолда она — Онада. Ювади, тарайди. Афсус-

ки, айтганингиздай оналикка нолойиқ бўлган аёллар ҳам учраб туради. Шунда суд болаларнинг тарбиясини, келажагини ўйлаб уларни отасида қолдириш ҳақида ҳукм чиқаради. Иккаласи ҳам нолойиқ бўлса ота-оналикдан маҳрум этилиб, болалар давлат ҳимоясига олинади.

— Боласидан воз кечган ота-оналарга ҳам қонунда жазолар белгиланганми?

— Ўз боласидан воз кечган ёки уларни ташлаб кетган ота-оналар учун ҳаётда энг катта жазо, менимча, бўвжидон азоби. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят қонунларида нафақа тўлашдан ёки болаларни боқишдан бош тортиш учун жавобгарлик қонунда кўрсатилган. Бир оғиз ўйламай айтилган сўз ва қўйилган бир қадамнинг эртанги сўроши, азоби бор. Шундан кўрқиш керак. Кейин, ҳеч ким кечирмайди. Ҳатто Худо ҳам...

— Оиланинг иноқ-тотув бўлишида кимнинг ҳиссаси

кўпроқ деб ўйлайсиз!

— Оиланинг тотув бўлиши унинг барча аъзоларига боғлиқдир. Лекин, биринчи галда тотувлик оила бекасига боғлиқ деб ҳисоблайман. Сабаби, аёл оилада кўп киши билан муомала қилиш керак. Қайнона, қайнота, қайинсингил, қайнука... Орасталик, ширинсўзлик аёлларга хос муҳим фазилат. Эркекларимиз ўйдан миннатдор бўлса, кўчадан меҳр изламайди. Ўзгаларга кўз олайтирмайди. Емон ишларга қўл урмайди.


— Мумкин бўлса оилангиз ҳақида икки оғиз сўзлаб берсангиз!

— Тошкентда ишчи оиласида туғилганман. 2 нафар фарзандимиз бор. Турмуш ўртоғим заводда хизмат қиладилар.

— Оилаларга тилақларингиз!

— Ҳеч қандай оила бузилмасин. Мустаҳкамланаверсин.

ДИЛБАР гурунглашди



Суратчи: Х. МИРЗАКАРИМОВ



## МЕН СИЗНИ, АЗИЗИМ...

кўшиқ

Эрталаб овознигорнинг қулоғини бурадим, кўшиқ янграётган экан: «Мен сизни, азизим, а... а... а...» Хурсанд бўлдим.

Шу, менимча, бизнинг овознигор, ойнаи жаҳонга ўхшаши бўлмаса керак-ов. Ўзингиз ҳам биласиз, шундай айтиб кўяй, бизда ҳар қандай киши (овози мусиқага тушса бўлди) истаган одамга, дейлик, яхши кўрган қизига, хотинига, яна... бор-ку, ...ҳа, ўлманг, ўшанга овознигор, ойнаи жаҳон орқали бемалол ҳар қандай гапини мусиқага кўшиб айта олади. Шуниси яхши-да, учрашуга чиқиб қийналиб юрадимми?! Керак одам ўзи эшитиб олаверади.

Кечкурун ишдан ҳориб қайтдим. Ойнаи жаҳоннинг қулоғини бурадим, ҳали экран ёришмасдан овоз келди: «Мен сизни, азизим, мен сизни, азизим, а... а... а...»

## ТЕГИШЛИ БҲЛАЙ

*Бир йўл кўрсат, етай васлингга,  
Шинни хумдек мен бахтага тўлай.  
Майли, бўлай дарахт ё зина,  
Фақат... сенга тегишли бўлай!*

Саъдулла Ҳакимнинг «Кузатади сени ҳар сахар...» шеърдан.

*Бир йўл кўрсат, васлингга етай,  
Тошиб кетиб пишган сўтдайн.  
Севинчимдан ё эриб кетай,  
Агар сўрсанг шўртак қўртдайн.*

*Ун эласанг, бўлай элагинг,  
Нон ёпсанг гар рапидаман мен.  
Ойга чиқиб чорласанг агар,  
Ўша заҳот ракетаман мен.*

*Учинг борда аламинг ўзим,  
Фойда борга, хўп, хешли бўлай.  
Нима бўлса, бўлайин, майли,  
Фақат... сенга тегишли бўлай!*

Абдураззок ОБРҲЙ

— *Ие, Эшмат, томорқага бугдой эккансан десам, чумчуқ экибсан, шекилли.*

— *Гапирадиган тўтиқуш сотиб олганинг ростми?*

— *Ҳа, сотиб олган эдим, аблаҳни кеча сўйиб юбордим. Секин қулоқ солсам, хотинимга шилқимлик қилаяпти-я.*

— *Кеча почкам эшагини сўраб келиб қолди. Битта оёғи қаердадир тушиб қолибди, деб бермадим. Валасапедини сўраб борганимда, у ҳам ғилдираги чатоқ, деб бермаган эди.*

— *Ўғлинг бир ойдаёқ ҳарбийдан қайтиб келган эмиш. Тинчликми?*

— *Борган шаҳрида иккита боласи бор хотинга уйланиб олган экан, қонунга кўра жавоб бериб юборишибди.*

— *Томорқамга бақлажон эккан эдим, кеча кечкурун биров ёппай юлиб ташлабди. Биланман, бу қўшини Ҳамид-буруннинг иши.*

Баҳром ОБИДЖОН

## ТТТ ДЕВОРИДАГИ ЭЪЛОНЛАР

*Қишлоғимиздаги замонавий олифта ўс-пирилар! Кепқолинг, кўрган қиз донг қотиб қоладиган капказча этик билан ис-талинча шапкади кимошдига сотмоқчи-ман.*

Шодимат-шўро.

\* \* \*

*Тегирмонда йўқолган бир пой пайпоғим топилди. Топиб келганга суюнча бериш ҳақидаги аввалги эълон бекор деб ҳис-лансин.*

Салим-ярим.

\* \* \*

*Вей, хотин! Аразлашни йиғиштириб, бир сўтка ичида яхшиликча онангникидан қайтиб келмасанг, тўққизта бола билан онангникига бостириб борамиз.*

Мамат тажанг.

А. Б. БЕК

# ТЕГИРМОНДАГИ ГАПЛАРДАН

## ШАРҲШУНОСЛИК ТўГАРАГИ

БОШ — Булбулнинг Ошёни Шуми!

ТИЛ — Товламачилик Илмининг Лўттибози.

КўЗ — Кундузиям Учмайдиган Зормонда.

ҚОШ — Қилиғи Ортиқча Шармсиз.

ТИШ — Таомни Индамай Шибба-ловчи.

ҚўЛ — Қашлашни Урганволган Лапашанг.

Б. Бек

## ●ЧИРОҚ ЁНМАЙ ТУРСА...●

Командир ширакейф икки габроволиқни тўтиб олиб сўроққа тутди:

— Учининглар қани?

— Қанақа учинчи? — ҳайрон бўлишди аскарлар.

— Қанақа эмиш, сизларни ўз ҳисобидан ичирган учинчи сахий аскарни сўраяпман-да, — дебди командир габроволиқларни яхши билгани учун.

М. РАҲИМ таржималари

## ЛАТИФАЛАР

Ҳайвонот боғига кирган Наташа дадасидан сўради:

— Дада анави нима?

— Дум.

— Йўқ, анави?

— Оёқ.

— Йўқ, анави-и?

— Хартум, қизим, хартум.

— Йўқ, йўқ, дада, анави кат-т-а?

— Э, уми, фил...

Бу гапдан керакли хулоса чиқарган Афанди Улмасни қорин тарафига зарб билан тепган экан, Қашшей бақириб юборибди:

— Адашдинг, ошина, адашдинг!...

— Тўғриси айт, мендан олдин ҳам бирорта йигитни севганмисан?

— Тавба, сиз йигитларга ҳайронман. Барчангиз бир хил саволни

Бир сартарошни ўлим жазосига ҳукм қилишди ва охириги тилагини сўрашди.

— Улимим олдидан бош ҳакамнинг соч-соқолини олиб қўйсам майлими, деди у.

Ҳакам айбланувчига:

— Билишдеча сизнинг...

Бир кини Афанди...